

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАЛАРНИ
СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Суёнов Дилмурод Холмуродович,

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,

иқтисод фанлари доктори профессор,

Абдурахмонов Тоҳир Шавкатович,

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,

Бизнесни бошқариш (МБА -глобал менежмент) йўналиши тингловчиси

АННОТАЦИЯ: Ушбу илмий ишда Ўзбекистон Республикасида болаларни соғломлаштириш оромгоҳларининг ҳуқуқий асослари, уларнинг ташкил этилиши, фаолият юритиши ва давлат томонидан назорат қилинишига оид ҳуқуқий нормалар таҳлил қилинган. Мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида оромгоҳлар фаолиятидаги муаммолар ва ечимлар кўриб чиқилган. Шунингдек, мазкур соҳадаги ислоҳотлар, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва болаларнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги аҳамияти ёритилган.

ANNOTATION: This scientific work analyzes the legal foundations of organizing children's health camps in the Republic of Uzbekistan, their establishment, operation, and state supervision. Based on the current legal and regulatory documents, issues and solutions related to the activities of these camps are examined. In addition, the study highlights the ongoing reforms in this sphere, the priorities of state policy, and the significance of ensuring children's rights.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Болалар, оромгоҳ, соғломлаштириш, ҳуқуқий асос, давлат назорати, меъёрий ҳужжат, ҳуқуқлар, ижтимоий сиёсат.

KEYWORDS: children, camp, health improvement, legal basis, state supervision, regulatory document, rights, social policy

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, болаларни соғломлаштириш болаларга узлуксиз таълим беришнинг таркибий қисми сифатида уларнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантиришга, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган³³. Моҳияти ва амалга оширадиган фаолияти турига кўра соғломлаштириш оромгоҳлари

³³ Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/5013007>

ўқувчиларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш, уларнинг ижобий ютуқ ва муваффақиятларга эришишини рағбатлантириш тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини такомиллаштириш, бу борадаги ишларни тизимли равишда амалга ошириш, оромгоҳлар фаолияти кўламини кенгайтириш, оромгоҳларда дам олаётган болаларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қатор Ҳукумат қарорлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг ички ҳужжатлари қабул қилинганлиги ҳам фикримизнинг яққол далили ҳисобланади³⁴. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 84-сонли қарорида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш борасидаги бир қатор ҳуқуқий номаралар белгилаб берилди.

Юқоридаги қарор билан мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган ёш авлодга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги белгилаб қўйилди³⁵.

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ривожлантиришда уларнинг фаолият йўналишлари, вазифа ва функцияларини алоҳида белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги қарор иловаси билан тасдиқланган “Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепсияси” ҳамда “Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисида Низом”да айнан шу жиҳатлар алоҳида белгилаб берилди. Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, болалар ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, уларнинг сифатли дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш, болалар манфаатларининг устуворлиги, уларнинг ижодий ривожланиши ҳамда ўз имкониятларини тўлиқ намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, педагог ва етакчиларнинг болалар шахсини ривожлантириш ва уларнинг кўнгилли дам олишларини таъминлаш

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/uz/docs/-6287292>

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 84-сонли қарори. <https://lex.uz/uz/docs/6393303>

борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш мобайнида уларга умуминсоний ва миллий кадриятларни сингдириш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириш каби жиҳатлар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятининг асосий тамойиллари сифатида белгиланди³⁶.

Ўзбекистон Республикасида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш масалаларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, бу йўналишга давлат ва жамоат ташкилотларининг жалб этиши тизимдаги ишларни такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги ишларни тизимлаштириш имконини берди. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг илмисй-педагогик нуқтаи назардан тадқиқ этилмаганлиги, қабул қилинган қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш жараёни мониторингдан ўтказилмаётганлиги бу борадаги ишларнинг самарадорлигини баҳолашда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикасида болалар оромгоҳларининг фаолият йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган. Қонун ҳужжатларига кўра, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари болаларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда, қуйидаги ихтисослашган йўналишларда ташкил этилади:

Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари. Бундай оромгоҳлар фан олимпиадалари, таълим соҳасининг турли даражадаги мусобақалари ғолиблари бўлган 10 — 14 ёшгача болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун йўналтирилиб, унда бир ёки бир нечта фанлар ёхуд тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўргатилади;

Спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари. Бундай оромгоҳлар 8 — 16 ёшгача болаларнинг ўқув-машқ жараёнини давом эттириш, спорт маҳоратини такомиллаштириш, жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, унда болаларнинг ёши ва спорт турининг ўзига хос хусусиятлари асосида ҳар хил гуруҳлар тузилади;

Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари. Бундай оромгоҳлар юрак қон-томир тизимининг касалланиши, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат аппаратининг ўзига хос бўлмаган хусусиятлари билан бетоб бўлиб турадиган 7 — 14 ёшгача болаларнинг дам олиши ва соғломлаштириш учун ташкил этилади;

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 84-сонли қарори. <https://lex.uz/uz/docs/6393303>

Меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари. Бундай оромгоҳлар 15 — 18 ёшгача болаларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини дам олиш ва соғломлаштириш билан бирга қўшиб олиб боришига йўналтирилиб, болалар ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрланади ва уларнинг меҳнат кўникмалари шакллантирилади;с

Ҳарбий-спорт оромгоҳлари. Бундай оромгоҳлар 12 — 17 ёшгача болаларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилади;

Экологик-биологик ва ўлкашунослик оромгоҳлари. Бундай оромгоҳларда 7 — 14 ёшгача болалар учун сайёҳлик-ўлкашунослик ва экскурсия ишлари ташкил этилади, уларга мамлакатимизнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий жиҳатдан ўзига хос жиҳатлари чуқур ўргатилади;

Ихтисослашган болалар оромгоҳлари. Бундай оромгоҳлар 7 — 14 ёшгача болаларнинг етакчилик ва фаоллигини шакллантириш, уларнинг ижтимоий мослашув кўникмаларини оширишга йўналтирилади.

Манфаатдор ташкилотларнинг таклиф ва ташаббуслари асосида бошқа йўналишлардаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилиши мумкин.

Соғломлаштириш оромгоҳлари нафақат болаларнинг соғлиғини тиклаш ва мустаҳкамлашга, балки таълим-тарбия жараёнининг давомийлиги ва сифатини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Улар болаларнинг ёзги таътил даврида билим ва кўникмаларини бойитиш, янги дўстлар орттириш, ижодий салоҳиятни ривожлантириш учун қулай муҳит яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган бўлиб, уларни янада такомиллаштириш орқали болаларнинг соғлом ривожланиши, ҳимояси ва таълим-тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Мазкур соҳадаги ҳуқуқий ислохотлар орқали болалар учун хавфсиз, самарали ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган муҳит яратиш имкони беради.

REFERENCES

1. Suyunova D.D. Raqamli korporativ boshkaruvni joriy etishning ilg'or xorij rivojlangan mamlakatlar tajribasi va ijobiy tomonlarini joriy qilish. European science international conference: analysis of modern science and innovation. <https://esiconf.org/index.php/AMSI/article/view/2552/2376>.2025, fevral.
2. Suyunova D.D. Rakamli iktisodiyot tizimi iktisodiyotni rivojlanishining elektron mexanizmi. European science international conference: analysis of modern

science and innovation. <https://esiconf.org/index.php/AMSI/article/view/2559/2375>.2025, fevral.

3. Suyunova D.D. Factors affecting the digitalization of corporate management in joint joint stock companies and scientific approaches to risk assessment. "Ekonomika i sotsium" №11(126). https://www.iupr.ru/files/ugd/b06fdc_5772198b03034ea1b82d7241321.acec8.pdf,index.true.2024, noyabr.

4. Suyunova D.D. Korporativ boshqaruvning samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish masalasiga ilmiy qarashlar. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. 7-son, UO'K: 35.073.6. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss.7-pp.393-402>.2024, iyul.

5. Suyunova D.D. Corporate in joint stock companies ways to use digital technologies to improve management. European journal of research development and sustainability (EJRDS). Vol. 4 no 09, issn: 2660-5570. <https://scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/3825/3055>.2023, sentyabr.

6. Suyunova D.D. Rakamli korporativ boshkaruvni joriy etishning ilg'or xorij rivojlangan mamlakatlar tajribasi va ijobiy tomonlarini joriy qilish. European science international conference: analysis of modern science and innovation. <https://esiconf.org/index.php/AMSI/article/view/2552/2376>.2025, fevral.

7. Suyunova D.D. Rakamli iktisodiyot tizimi iktisodiyotni rivojlanishining elektron mexanizmi. European science international conference: analysis of modern science and innovation. <https://esiconf.org/index.php/AMSI/article/view/2559/2375>.2025, fevral.

8. Suyunova D.D. Factors affecting the digitalization of corporate management in joint joint stock companies and scientific approaches to risk assessment. "Ekonomika i sotsium" №11(126). https://www.iupr.ru/files/ugd/b06fdc_5772198b03034ea1b82d7241321.acec8.pdf,index.true.2024, noyabr.

9. Suyunova D.D. Korporativ boshqaruvning samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish masalasiga ilmiy qarashlar. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. 7-son, UO'K: 35.073.6. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss.7-pp.393-402>.2024, iyul.

10. Suyunova D.D. Corporate in joint stock companies ways to use digital technologies to improve management. European journal of research development and sustainability (EJRDS). Vol. 4 no 09, issn: 2660-5570. <https://scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/3825/3055>.2023, sentyabr.